

Саудия Арабистони- Риёз

Раба маҳалласи диний

тарғибот идораси

2009-1430

islamhouse.com

# **Риёзус-солиҳин дарслари**

## **Азон айтиш фазилати ҳақидаги боб**

[ Ўзбекча ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

**Мухарир: Шамсиддин Дарғомий**

*islamhouse.com* нинг барча маълумотларини нашр қилиш ҳуқуқи чекланмаган.

# بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## باب فضل الأذان

### Азон айтиш фазилати ҳақидаги боб

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على نبينا محمد وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم بإحسان  
إلى يوم الدين

Азон араб тилида эълон қилиш, билдириш маъноларида ишлатилади. Бунга Аллоҳ таъолонинг:

وَأَذَانٌ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى النَّاسِ يَوْمَ الْحَجِّ الْأَكْبَرِ أَنَّ اللَّهَ بَشِيرٌ لِّلْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ وَالْمُتَّقِينَ

-деган ояти далил бўлади. Оятнинг маъноси: “Ва (*ушбу эълон*) Аллоҳ ва унинг Пайғамбари томонидан одамларга катта ҳаж кунда (*яъни, Қурбон ҳайити кунда*) Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари мушриклардан безор эканлигини билдиришдир”.<sup>1</sup> Азоннинг шаръий таърифи - намоз вақти киргандан сўнг уни билдириш учун муайян зикрларни айтиш билан Аллоҳга ибодат қилиш,-дегани. Ушбу таъриф -намоз вақти кирганини билдириш,- деган таърифдан афзал, чунки азон ибодат бўлгани учун унинг ибодат эканини таърифда айтиб ўтиш керак бўлади. Яна азон айтиш намоз вақтининг аввали билан чекланмайди. Шунинг учун ҳам Пешин намозини кечиктириб салқинроқда ўқиш машруъ қилинган вақтда азонни кечиктириб айтиш машруъ бўлади. Бу имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда ворид бўлган. Имом Бухорий Абу Саиддан қилган ривоятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “أَبْرِدُوا بِالظُّهْرِ، فَإِنَّ شِدَّةَ الْحَرِّ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ” яъни: “Пешинни кечиктириб салқинроқда ўқинглар, чунки иссиқ жаҳаннам қайнаши сабаблидир”, -деганлар. Азон айтиш вожиб, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шунга буюрганлар. Аллоҳ таъоло эса Қуръонда Моида ва Жума сураларида унга ишора қилган. Аллоҳ таъоло айтадики: “Сизлар қачон намозга чақирсангиз (*азон айтсангиз*), улар ўша (*намозни*) масхара ўйин қилиб оладилар. Бунга сабаб уларнинг ақлсиз — жоҳил қавм эканликларидир”.<sup>2</sup> Жума сурасида эса: “Эй мўминлар, қачон Жумъа кундаги намозга

<sup>1</sup> Тавба: 3.

<sup>2</sup> Моида: 59.

чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар”,-дейди.<sup>3</sup> Иқомат араб тилида тўғриламоқ, тикламоқ дегани. Шаръий таърифи эса намозга киришаётган вақтда муайян зикрлар билан Аллоҳга сиғиниш. Азон билан иқомат орасидаги фарқ шуки: азон намозга тайёргарлик кўриш учун чақириш. Иқомат эса намозга киришиш учун қилинадиган чақирикдир. Шунингдек иккаласини айтилиш сифатлари ҳам бир-биридан фарқ қилади.<sup>4</sup> Азон ҳижрий биринчи йилда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг фарз қилинган.<sup>5</sup> Азон ва иқоматдаги лафзлар иймон ақидасини ўзида жамлаган сермаъно калималардир. Биринчиси такбир бўлиб, у Аллоҳни улуғлашга далолат қилади. Сўнг калимаи шаҳодатни айтиш билан Аллоҳ аzza ва жаллани якка-ягона эканлигини ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ тарафидан жўнатилган ҳақ пайғамбар эканлигини исбот қилади. Сўнг ислом динининг устуни саналадиган намозга ва нажотга чақиради. Кейин Аллоҳ таъолони улуғлаш ва зикрларнинг энг афзали бўлмиш ихлос калимаси билан якунланади.<sup>6</sup>

عن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : لو يعلم الناس ما في النداء والصف الأول. ثم لم يجدوا إلا أن يستهموا عليه لاستهموا عليه، ولو يعلمون ما في التهجير لاستبقوا إليه، ولو يعلمون ما في العتمة والصبح لأتوهما ولو حبواً متفقاً عليه.

الاستهام: الاقتراع، والتهجير: التبكير إلى الصلاة.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилишларича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Агар одамлар азон ва биринчи сафдаги ажрни билиб, сўнг шуларга етишиш учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топишмаса, албатта унга қуръа ташлар эдилар. Агар намозга эрта боришдаги ажрни билганларида унга шошилардилар. Агар хуфтон ва бомдод намозидаги ажрни билганларида уларга эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар",-деган эканлар. (Муттафақун алайҳ)

Шарҳ:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

<sup>3</sup> Жума: 9.

<sup>4</sup> Мажмуъи фатово Ибни Усаймин, 1/159.

<sup>5</sup> Авнул-Маъбуд, Муҳаммад Шамсул-Ҳаққ Ал-азим- ободий, 2/147, Ал-фиқҳу алал-мазаҳибил- арбаъа, 1/451.

<sup>6</sup> Ал-мулаҳхасул-фиқҳий, Солиҳ ал-Фавзон, 1/99.

## (لو يعلم الناس ما في النداء والصف الأول)

- деган ҳадисларининг маъноси қуйидагича - Агар одамлар азон ва биринчи сафдаги ажру-фазилатларни катталигини билишиб, сўнг шуларни бажаришга қуръа ташлашдан ўзга йўл топишолмаса, уларнинг ажру-савобларига эришиш илинжида талашиб, тортишиб қуръа ташлаган бўлар эдилар. Бу эса азон айтиш ва биринчи сафда намоз ўқишнинг ажри ва фазилати жуда катта эканига далолат қилади. Бордию бирон киши биринчи сафда ўтиришга ҳақлироқ бўлса, бошқа киши ундан афзал бўлса ҳам уни сафдан турғизиб юборишга ҳаққи йўқ, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бир киши бошқа кимсани ўтирган жойидан турғизиб юбориб ўзи ўтириб олмасин, лекин бир-бирларингизга жой беринглар",-деган эканлар. Биринчи сафга балоғатга етмаган ёш бола ўтириб олган бўлса, у ҳолда уни орқага силжитиш жойиз экан.<sup>7</sup> Ҳадисдаги (التَّهَجِير) сўзи намозга эрта бориш маъносида ишлатилган. Бу эса намозга эрта боришнинг ажру-мукофоти нақадар катта эканини баён қилади. Шунинг учун ҳам саҳобалар, тобеийнлар ва уларга эргашган қанча-қанча ислом уламоларию-фузалолари масжидга эрта боришар, ва намозга бефарқ қарамас эдилар. Агар бирон кимса: "Ушбу ҳадиси шарифда хуфтон намозини (عَتَمَةٌ) атаматун-деб номланган, ҳолбуки бошқа ҳадисда бу номдан қайтарилган",-деб эътироз билдирадиган бўлса, бу эътирозга икки хил жавоб бериш мумкин.

Биринчиси: Бу ҳадисда хуфтон намозини ушбу ном билан аташ жойиз эканлиги баён қилинмоқда.

Иккинчиси: Бу ҳадисдаги атаматун сўзини истеъмол қилиниши фойда учун зикр қилинмоқда, чунки араблар (عِشَاءُ) сўзини шом вақтига ишлатишар эди. Бордию ҳадисда

(عِشَاءُ) сўзини ишлатилганда араблар албатта уни шом намози деб ўйлаган бўлур эдилар ва ҳадисдан кўзланган мақсад кетиб қолар эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам араблар билган ва унда шак қилмайдиган сўзни ишлатдилар. Шариат қонун-қоидалари эса оғирроқ зарарни олдини олиш учун енгилроқ зарарни таҳаммул қилиш жойиз эканига далолат қилади. Яна бу ҳадисда бомдод ва хуфтон намозларини жамоат билан ўқишга қаттиқ тарғиб қилиниб, уларнинг фазилати катта эканлиги таъкидланмоқда. Чунки иккала намознинг бири уйқунинг аввали, иккинчиси эса, охири бўзилишига олиб келгани учун нафса оғирлик қилади. Шу сабабли бу икки намоз мунофиқлар учун энг оғир намоз саналади.<sup>8</sup>

<sup>7</sup> Фатхул-Борий, Ибн Ражаб.

<sup>8</sup> Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий.

و عن معاوية رضي الله عنه قال : سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول : المؤذنون أطول الناس أعناقاً يوم القيامة. رواه مسلم.

Муовия розияллоху анху ривоят қилиб, айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Муаззинлар қиёмат кунида одамларнинг энг бўйни узундир",-деганларини эшитдим”. (Муслим ривояти)

Шарх:

Ҳадисдаги: "Муаззинлар қиёмат кунида одамларнинг энг бўйни узундир",-деган иборанинг маъносида уламолар ҳар хил фикрлар билдиришган. Баъзилар: “Бунинг маъноси – улар Аллоҳнинг раҳматига кўпроқ интилувчи дегани, чунки бирор нарсага интиладиган киши ўша нарсага бўйинини чўзади. Бунинг маъноси эса уларнинг кўплаб ажру-савобларни кўришликлари”,- деган экан. Назр ибни Шумайл роҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Қиёмат куни одамлар терга ботганларида уларга ушбу ғам етмаслиги ва терга ботмасликлари учун бўйинлари узун бўлади”. Яна айтишларича: “Улар тобеълари кўпроқ кишилардир”. Ибни- Аъробий роҳимаҳуллоҳ: “Маъноси- улар энг амали кўп кишилар”,- дейдилар. Қози Иёз роҳимаҳуллоҳ ва бошқалар эса: “Баъзилар бу иборани “إِعْنَاقًا: эънақан”,- деб ривоят қилишган. Бунинг маъноси эса- улар Жаннатга шошилувчироқ-дегани”,-дейишган экан. Бу ҳадис азон ва муаззинларнинг фазилатига далолат қилади. Азоннинг фазилати жуда улуғлиги ҳақида Саҳиҳайнда кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

Масала:

Киши учун азон айтиш афзалми ёки имомлик қилиш афзалми? Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ Ал-умм китобида айтишларича: “Азон айтиш афзал”. Иккинчи фикрлари эса-имомчилик афзал эканлиги. Бу масаладаги учинчи фикр-иккаласи ҳам баробар эканлиги. Тўртинчиси-агар имомчилик ҳақини ва унинг барча хислатларини бажаришга ишонса, имомлик афзал. Агар бажаролмаса, азон айтиш афзал бўлади. Бу фикрни Шофеъий уламоларидан Абу Али ал-Табарий, Абул-Қосим ибни Кажж, ал-Масъудий ва қози Ҳусайнлар билдиришган. Аммо бир киши иккаласини ҳам бажаришига келсак, Шофеъий уламоларидан бир гуруҳи: “Бундай қилмаслик мустаҳаб”,- дейишган. Баъзилари: “Макруҳ”,-дейишган. Тадқиқотчи ва кўпчилик уламолар эса: “Бунинг зиёни йўқ, балки шундай қилиш мустаҳаб”,-дейишган. Мана шу фикрларнинг энг тўғрироғидир. Валлоҳу аълам.<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий 2/113.

وعن عبد الله بن عبد الرحمن بن أبي صعصعة أن أبا سعيد الخدري رضي الله عنه قال له : إني أراك تحب الغنم والبادية فإذا كنت في غنمك - أو باديتك - فأذنت للصلاة، فأرفع صوتك بالنداء، فإنه لا يسمع مدى صوت المؤذن جنٌ، ولا إنسٌ، ولا شيءٌ، إلا شهد له يوم القيامة قال أبو سعيدٍ : سمعته من رسول الله صلى الله عليه وسلم. رواه البخاري.

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Аби Саъсаъадан ривоят қилинишича Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу у кишига: "Сен қўй ва чўлни яхши кўришингни биламан. Бордию қўйларинг орасида ёки чўлу-биёбонингда бўлиб, намозга азон айтсанг товушингни кўтариб айт, чунки муаззин товушининг охирини жин ё инсон ёки бирор нарса эшитса, албатта у учун қиёмат куни гувоҳлик беради", - деган эканлар. Абу Саид розияллоҳу анҳу: "Буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим", - дедилар. *(Бухорий ривояти)*

Шарҳ:

Қўй ва чўлни яхши кўришининг боиси шуки, қўйларни яхши кўрадиган киши уларни яйловда боқиш орқали ислоҳот қилишга муҳтож бўлади. Яйлов эса кўпинча уй-жойсиз саҳроларда бўлади. Ҳадисдаги: "Бордию қўйларинг орасида ёки чўлу-биёбонингда бўлсанг...", - деган иборада икки хил эҳтимол бор. Ё ровий шак қилган ёки унинг ҳолини баён қилиш учун келган. Чунки қўйлар гоҳида саҳродан бошқа жойда бўлади ёки чўпон гоҳида қўйсиз саҳрода бўлиши мумкин. Байзовий роҳимахуллоҳ айтадиларки: "Маълумки товушининг охири бошланишидан кўра махфийроқ бўлади. Демак азон айтувчига унинг товушини узокда бўлатуриб, эшитган нарсалар гувоҳлик берадиган бўлса, унинг яқинида туриб, товушининг аввалини эшитган нарсалар гувоҳлик беришга ҳақлироқ бўлади". Ушбу ҳадиснинг зоҳири барча жонли ва жонсиз нарсаларни ўз ичига олади. Буни Ибни Хузайма ривоят қилган ҳадис янада тасдиқлайди. Ҳадисда: "Унинг товушини эшитган ҳар бир дарахт, ер, тош, жин ва инсонлар унга гувоҳлик беради", - дейилади. Абу Довуд ва Насоий эса Абу Хурайра розияллоҳу таъоло анҳудан:

المؤذن يُعَفِّرُ لَهُ مَدَى صَوْتِهِ ، وَيَشْهَدُ لَهُ كُلُّ رَطْبٍ وَيَأْبَسٍ

деган лафз билан ривоят қилишган экан. Бу ҳадисга бир неча маънолар берилган. Шулардан биринчиси: Муаззин азонни кучи борича баланд овозда айтса, Аллоҳнинг мағфиратига тўла эга бўлади ва барча хўлу-қуруқ нарсалар у учун гувоҳлик беради. Иккинчиси: Бордию муаззиннинг гуноҳлари унинг товуши етиб борган масофани тўлдирадиган миқдорда бўлса, ўша масофа миқдоридаги гуноҳлари кечирилади. Учунчиси: У учун азонини кенг ёйиш миқдорича раҳмат ёйилади. Азонни баланд овозда айтиш мустаҳаб, шунинг учун ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ

ибни Зайд тушида азонни кўргач унга: “Уни (яъни азон калималарини) Билолга ўргат, чунки у сендан кўра овози баландроқ”,-дедилар. Бу каби ривоятлар ҳадисдаги: “ва ла шайъа” яъни- бирон нарса,-деган иборани батафсил баён қилади.<sup>10</sup>

Фойда:

Зайн ибни Мунаййир роҳимахуллоҳ айтишларича: “Бу гувоҳликдаги сир шундаки охираат аҳкомлари ҳам одамларнинг дунё ҳаётидаги даъвогарлик, шу даъвога жавоб қайтариш ва гувоҳлик бериш каби аҳкомларига ўхшатиб ижро қилинар экан. Ваҳоланки ушбу гувоҳлик яширин ва ошкора нарсаларни билгувчи зот ҳузурида келтирилади». Турбуштий роҳимахуллоҳ эса: «Бундай гувоҳлик беришдан мақсад қиёмат куни гувоҳлик берилган шахсни баланд даражалар ва фазилатлар билан овоза қилишдир. Аллоҳ таъоло баъзиларни гувоҳлик билан шарманда қилганидек, бошқа бировларни гувоҳлик билан сийлайди»,- дейдилар.

Ҳадиси шарифдан қуйидаги фойдалар олинishi мумкин:

1. Азонни баланд овозда айтиш мустаҳаб саналади. Бу эса гувоҳларни кўпайтиришга сабаб бўлади. Лекин айтувчи киши зарар ва азият чекмаслик шarti билан.
2. Хусусан фитна ёйилган вақтда қўй ва саҳроларни ёқтириш салафи солиҳларнинг амалларидан ҳисобланади.
3. Саҳрода аъробийлар билан бирга яшаш ва улар билан алоқалар ўрнатиш жоиз, лекин илму-маърифатдан керакли насиба олиш ва унга дағаллик ғолиб келмасликка ишонч ҳосил қилиш шarti билан.
4. Гарчи саҳрода бўлса ҳам ёки у билан бирга намозда иштирок этадиган кишилар келишидан умид қилмаса ҳам ёлғиз киши азон айтиши мустаҳаб саналади. Чунки намозхонлар дуосидан бенасиб қолса ҳам, азонини эшитган бошқа нарсаларнинг гувоҳлигидан бенасиб қолмайди.<sup>11</sup>

---

<sup>10</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 4/199.

<sup>11</sup> Фатҳул- Борий, Ибни Ҳажар, 2/408.

## ﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

### باب فضل الأذان

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين